



2006 йил 31 августдан
чоп этила бошлаган

Ижтимоий-сиёсий газета

ЖАМИЯТ

№ 47 (866)
2023 йил
23 ноябрь,
Пайшанба



www.bong.uz



@ jamiyatgzt@mail.ru



t.me/bonguz1



Миллий ғурурдан сўзловчи қудрат

Ҳар сафар муқаддас байроғимизга боқиб, ўтмишию келажаги буюк, осмони мусаффо, қалби пок, беғубор, бағрикенг, вужудидан ҳаётий қудрат уфуриб турган ҳамиша навқирон, озод халқимизнинг улуғвор чехрасини, аجدодларимиз заковатидан куч олган буюк давлат қудратини ҳис этаман.



(Давоми 2-саҳифада)



Олий таълимда креатив ёндашув самаралари

Техника, иқтисодиёт, табиий ва аниқ фанлар шунингдек, педагогика йўналишларида дуал таълимнинг аҳамиятини тасаввур қилиш осон, чунки бу соҳаларда тўғридан-тўғри жамият учун керакли кадрлар тайёрланади.

(Давоми 3-саҳифада)



Бизнинг энг катта МУАММОМИЗ – ўзликни сиёсий, маданий

**ёки диний асосга “боғлаб”
қўйганимиздир**

Ҳозирги кунда бутун Евроосиёда бўлгани каби Марказий Осиёда ҳам ўзликлар (identity) кураши ва рақобати кечмоқда. Миллат, миллатчилик, ўзлик тушунчалари тафаккур аҳлини ўйлантирмоқда, бу борадаги кураш умумжаҳоний микёс касб этмоқда.

Мамлакатимизда ҳам миллий ўзлик муаммоларига оид мунозаралар қарийб қирқ йилдан бери давом этаётир. Замонавий Ўзбекистонда қизиқ бир ҳолатни кузатишимиз мумкин: локал ва глобал, дунёвий ва диний ўзликлар қарама-қаршилиги кучаймоқда.

Ўзлик таълимоти борасида жамиятимиз якуний тўхтамга келмагани сабаб мазкур истилоҳга аниқ таъриф беришдан ўзимизни тиймоқдамиз. Мақолада баён этажак мулоҳазаларимиз ҳукм эмас, балки шахсий нуқтаи назар эканини эслатган ҳолда, олимлар, тадқиқотчиларни баҳсга чорлаб қоламиз.

Совет Иттифоқи парчаланиши арафасида Марказий Осиёда миллат, миллатчилик, демократия, диний ва дунёвий давлат, фуқаролик жамияти каби тушунчалар борасида жанги жадал бошланиб кетди. Охирги йилларда мазкур масалаларнинг аксарига муайян ечим топилди. Лекин ўзлик таълимотига оид долзарб саволлар ҳамон жавобсиз қолмоқда. Бунинг асосий сабабларидан бири – жамиятимизда мустақиллик ва эркинлик атамаларининг фақат давлат ва ҳуқуқий маданиятга нисбатан ишлатилганидир. Бизнингча, бу икки муҳим қадрият мантикий нуқтаи назардан аралаштирилиб юборилди, таъбир жоиз бўлса, жонсиз тушунчаларга айлантирилди. Ўзлик масаласига ҳам сиёсий-мафкуравий тус берилди, ижтимоий категория сифатидаги талқини чекланди, пировардида, у асл мазмун-моҳиятини йўқотиб, мавҳум ва мубҳам истилоҳга айланди.

Ўзлик миллий, маданий, сиёсий ва диний шаклларга эга. Марказий Осиёда мазкур шакллар қоришиқ ҳолда намоён бўлмоқда. Минтақанинг бугунги кишиси ташқи суратига кўра европалик, сийратига кўра эса диний ёки миллий қадриятларга эътиمود қўйгандир. Ўзликнинг омихта шакли постколониал (мустамлакадан кейинги) давр натижаси дейиш мумкин.

Бир илмий ҳақиқатни англашимиз зарур: ўзлик сиёсий иродага эмас, балки ҳар бир фуқаронинг иродавий ҳаракатига боғлиқ. Иродавий ҳаракатнинг асосини эса англашган истак-хоҳиш ташкил этади. Айниқса, XXI асрда ўзлик масаласи янада нозик тус олиб, шахсий англашган танловга айланди-қўйди. Бу, албатта, бутун курраи арзда инсон ҳуқуқлари ҳаракатининг жадаллашгани билан изоҳланади.

Нима учун ўзлик таълимотини шакллантиришда ҳозирги кун моҳиятига эътибор қаратилмаяпти? Нима учун мавжуд сиёсий, иқтисодий ва маданий шарт-шароит инobatга олинмаётир? Умуман, жамиятимизда нега замонавий ўзлик масалалари теграсида қизгин баҳс-мунозара кузатилмаяпти? Балки, “нормал ўтмиш” ва “нормал келажақ” ўзлигимиз масаласини узил-кесил ҳал этар? Бу каби саволларга аниқ-тиник жавоб топиш вақти аллақачон келган. Акс ҳолда, ўзлигимиз мавҳумлигича қолаверади. Яхлит миллат бўлиб шаклланиш ҳам кўп жиҳатдан шунга боғлиқ.

(Давоми 6-7-саҳифаларда)

МИЛЛИЙ ҒУРУРДАН СЎЗЛОВЧИ ҚУДРАТ

(Боши 1-саҳифада)

Байроқ бу — эркинлик, озодлик, тинчлик ва барқарорлик тимсоли ҳисобланади. Миллий давлатчилигимиз тарихининг барча даврларида у Ватан тимсоли сифатида муқаддас саналган.

Жонажон Ўзбекистонимиз байроғи дунёдаги энг чиройли ва кўркам байроқлардан бири, десак айни ҳақиқат. Чунки у бизнинг ҳеч кимдан кам эмаслигимиз ва асло кам бўлмаслигимизни ифода этади. Байроғимизда руҳиятимиз, Ватанимиз ва халқимизга бўлган меҳр-муҳаббатимиз, келажакка ишончимиз муржадасам.

Албатта, дунёда давлат байроқлари кўп, лекин биз учун улар ичида Ўзбекистон байроғи энг кўркам ва чиройлисидир. Негаки, у қалбимиз, руҳимизга туташдир. Унда олам-олам маънолар мужассам. Байроқдаги навқирон ярим ой тасвири миллий-тарихий анъаналаримиз билан боғлиқ.

Маълумки, 1991 йил 18 ноябрь куни “Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди. 1992 йил 2 мартда эса Бирлашган Миллатлар Ташкилотиде Ўзбекистон байроғи кўтарилди. Бугун у давлатимиз мустақиллигининг жаҳоний ифодаси, халқимиз ғурури, ифтихори, орзу-умидининг рамзи бўлиб ҳилпираб турибди.

Давлат байроғи мамлакатимиз суверенитетининг рамзи бўлиб, унда миллий давлатчилигимиз, мустақил ва мустаҳкам давлат бар-

по этиш борасидаги эзгу ғоямиз, миллий ва умуминсоний қадриятларга содиқлигимиз, орзу-мақсад ва интилишларимиз, ор-номусимиз ва ғуруримиз акс этган.

Байроқдаги 12 юлдуз тасвирида ўзбек халқи маданиятининг қадимийлиги, унинг комилликка, ўз тупроғида саодатга интилиши ифода этилган. Ундаги мовий ранг — тирриклик мазмуни акс этган мангу осмон ва оби-ҳаёт рамзидир. Тимсоллар тилида бу — яхшилиқни, до-нишмандликни, ҳалолликни, шон-шухрат ва садокатни билдиради.

Турли байрам тантаналарида, мамлакатимиз аъзолари қатнашаётган халқаро миқёсдаги сиёсий, маданий-маърифий тадбирларда, нуфузли спорт мусобақаларида ҳам байроғимиз Ватанимизнинг шаъни, халқимизнинг ғурурини ёрқин акс эттирмакда. Масалан, халқаро спорт беллашувларида ғалаба қозонган спортчиларимиз шарафига юртимиз байроғи баланд кўтарилган лаҳзада ҳар биримиз чексиз ҳаяжонга тушамиз, ҳеч кимдан кам эмаслигимиздан ғурурланамиз.

Мағрур ҳилпираётган байроғимиз юртимизда ҳукм сураётган тинчлик-ободлик, миллатлараро то-тувлик, қут-барака, биз эришаётган бемисл ютуқлар ва келажакка бўлган мустаҳкам ишонч рамзи сифатида қалбимизга туганмас ифтихор бағишлайди.

Бугун Ватанимиз байроғи озод юрт узра ҳилпирамоқда. У бизни юртимиз тинчлиги ва раванки йўлида бир-



лаштириб, мамлакатимиз мустақиллигини ҳамиша кўз қорачиғидай асрашга, буюк аجدодларга муносиб ворис бўлишга, юксак ишонч ва қатъият билан келажакка қадам ташлашга даъват этиб турибди.

Ҳар сафар муқаддас байроғимизга боқиб, ўтмишию келажак буюк, осмони мусаффо, қалби пок, беғубор, бағрикенг, вужудидан ҳаётий қудрат уфуриб турган ҳамиша навқирон, озод халқимизнинг улуғвор чехрасини, аجدодларимиз заковатидан қуч олган буюк давлат қудратини ҳис этаман.

Шу ўринда қайд этиш жоиз, жорий йил 7 июль куни “Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қонун қабул қилинди. Ушбу ҳужжат асосида давлат байроғидан фойдаланиш тартиби янада соддалаштирилди ҳамда қонунга қатъий риоя қилган ҳолда фойдаланиш имкониятлари кенгайтирилди.

Хусусан, спорт мусобақаларида,

оммавий жисмоний тарбия тадбирларида, маданий ва ўзга оммавий тадбирларда, оилавий байрамларда, хотиравий саналарни байрам қилишда ҳамда бошқа ҳолларда Давлат байроғидан фойдаланишга рухсат берилди.

Давлат рамзига зарур ҳурмат билан муомала қилган ҳолда ундан ва унинг тасвири туширилган белгилардан жамоат жойлари ва биноларда, яшаш ёки иш жойларида ҳамда уларга туташ бўлган ҳудудларда, транспорт воситаларининг сало-нида фойдаланиш мумкинлиги белгиланди.

Давлат органларининг рамзларида ва уларнинг расмий веб-сайтларида Давлат байроғининг тасвири туширилган белгилардан фойдаланишнинг ҳуқуқий асоси ҳамда байроқ тасвири устки кийимга безатиш мақсадида акс эттириш имконияти яратилди.

Назарда тутилган ўзгаришлардан кейин фуқаролар байроғимизга ҳурмат сақлаган ҳолда ундан ўз ҳонадонларида, иш жойларида эркин фойдаланиши мумкин бўлди.

Умуман айтганда, ушбу ҳужжат Давлат байроғидан фойдаланиш имкониятини кенгайтиришга, ҳар бир инсон онгу шуурига Ватанимиз рамзларига нисбатан чуқур ҳурмат туйғуларини сингдиришга хизмат қилади.

Абдумалик АКРОМОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати

Жараён

«КУЗ-ҚИШ МАВСУМИ ЭЛЕКТР УЗИЛИШЛАРСИЗ ЎТАДИ»

Янгийўл тумани электр тармоқлари корхонаси томонидан аҳолини сифатли электр энергия билан таъминлаш мақсадида сезиларли ишлар амалга оширилмоқда.

Авалло, шуни таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 октябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш юзасидан мақсадли ишлар қилиняпти.

Дастур бўйича тумандаги “Ҳақиқат” маҳалласи ҳудудида 47 дона темир бетон таянчлари ўрнатилиб, замонавий 2.3 км узунликдаги СИП тармоқлари тортилди. “Бунёдор” маҳалласи ҳудудида эскирган ёғоч таянчлар ўрнига

80 дона темир бетон таянчлари ўрнатилиб, 2,9 км узунликдаги СИП тармоқлари тортилди. Шунингдек, “Ғалаба”, “Нуробод”, “Қовунчи”, “Байтиш” маҳаллалари ҳудудида ҳам тегишли миқдорда темир бетон таянчлари ўрнатилиб СИП тармоқлари тортилди.

Қолаверса, 323 миллион сўм маблағ ажратилган “Мирзо Улуғбек” маҳалласида аҳоли эътирозига сабаб бўлаётган муаммолар бартараф этилиб, 117 дона темир бетон таянчлари ўрнатилди, 3,8 км узунликдаги СИП тармоқлари тортилди.

2023-2024 йилги куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўриш мақсади-

да 54 дона трансформатор пункти ва 135 км узунликдаги ҳаво электр тармоғи мукамал таъмирдан чиқарилди ҳамда 109 дона трансформатор пункти ва 310,5 км узунликдаги ҳаво электр тармоғи жорий таъмирдан чиқарилди. Бундан ташқари, куз-қиш мавсумини беталафот ўтказиш бўйича юкламада ишлаётган электр қурилмаларини юксизлантириш юзасидан ҳам тегишли ишлар амалга оширилди.

Амалга оширилаётган ишларимизнинг барчаси куз-қиш мавсумини беталафот ўтказиш ҳамда аҳолининг электр энергияси билан узлуксиз ва сифатли таъминланишини йўлга қўйишдан иборатдир.

Санжар МЕЛИБАЕВ,
Янгийўл ТЭТ бош муҳандиси





(Боши 1-саҳифада)

Мамлакатимизда таълим сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, олий таълим тизимида рақобатга чидамли кадрлар тайёрлаш масаласи долзарб вазифа сифатида қўйилди.

Инсондаги тушунчани, тафаккурни ўзгартирмасдан туриб таълим соҳасида юқори натижаларга эришиб бўлмайди, зеро, жамиятнинг аксарият кишилари ханузгача яхши мутахассис эмас, талаба бўлиб олишни ўзларининг асосий мақсади деб билади. Ота-оналар ҳам ўз фарзандининг университет талабаси бўлишини орзу қилади. Албатта, улар орасида фарзандига фаровон яшаш имконини берувчи, муҳим касб эгаси бўлишини таъминлайдиган соҳаларга йўналтирувчилар ҳам бор.

Олий таълим ташкилотлари бу борада ўз олдига қандай мақсад қўймоқда?! Тўғри, давлат таълим стандартлари, малака талабларига мос кадрлар тайёрлашга ҳаракат қилинади, аммо бу кўпинча хужжатда қолиб кетади. Мамлакатимизда хусусий секторни ривожлантиришга жиддий эътибор берилмоқда ва бу ҳар бир соҳада ўз самарасини бермоқда. Айнан олий таълим тизимида ҳам нодавлат таълим ташкилотлари фаолиятининг йўлга қўйилиши давлат университетлари билан ижобий маънода рақобат муҳитини юзага келтирди.

Дарҳақиқат, жамият орасида хусусий ОТМларга камроқ ишонч билдирадиганлари ҳам бор, уларни таълим ниҳоясига етганда қандай диплом берилади, у яроқли бўладими, деган савол қийнайди. Бу муаммо эмас, хусусий университетлар ҳам давлат ОТМлари олдига қўйилган ижтимоий буюртмани бирдек бажаради ва давлат намунасидаги диплом берилади, бу қонун билан қафолатланган. Ҳатто нодавлат олий таълим ташкилотлари фаолияти ҳам Конституцияда ўз аксини топди.

Муаммо бошқа масалада. Олий таълим тизими, жумладан, хусусий ОТМлар қандай кадрлар тайёрламоқда?! Тўлов-шартнома нархи давлат университетларидан кўпроқ бўлган нодавлат таълим ташкилотлари нимаси билан ажралиб туради?

Аввало, профессор-ўқитувчиларга қулай шароит яратилган. Талабалар учун ҳам замонавий шароитлар мавжуд. Ўқув воситалари сифатли

таълим олишга имкон беради. Тошкент Амалий фанлар университетида ҳам ўз номига мос бўлган ёндашув қўлланыпти. Талабаларнинг амалий кўникма ва малакага эга бўлиши учун янги методлар жорий этилмоқда. Университетда яқинда жорий этилган дуал таълим тизими ҳам талабаларнинг билим савиясини янада оширишда муҳим аҳамият касб этади. Аслида, таълимда бирор янги ислохот амалга оширилса, у факультет ёки университет раҳба-

Талабалар фольклор намуналарини тўплаш ва ўрганиш бўйича сўровнома-анкеталар, туристларга энг қадимги фольклор намуналари ҳақида маълумот берувчи йўриқнома, қўлланма, буклет ва уларнинг электрон намуналарини тайёрлаш, мамлакатда миллий қадриятларни ўрганиш ва қўллаб-қувватловчи ташкилот ва марказлар билан ҳамкорлик қилиш, фольклор намуналаридан фойдаланиб, креатив реклама маҳсулотларини тайёрлаб бериш каби хизматларни йўлга қўйишни ўрганмоқда.

риятининг ҳисобот иши бўлиб қолмаслиги керак. Ҳар бир фан ўқитувчиси ўз фаолиятида бу янгиликни татбиқ этиб бориши зарур.

Тошкент Амалий фанлар университетидаги таълим мазмунини битирувчи тайёрлаш эмас, балки амалиётни кўрган, соҳа учун зарур кўникма ва малакага эга мутахассис тайёрлашга қаратилган. Талабалар университетда ҳафтасига 4 кун профессор-ўқитувчиларнинг таълим, адабиётларни ўқиб, сўнг ҳафтасига 2 кун ишлаб чиқаришда амалий фаолиятда бевосита кўриб ўрганади, тушунганларини амалда қўллаб кўриб, малака ҳосил қилади. Шу ўринда, талабага ўтиладиган ҳар бир фан уни келажакда керакли кадр бўлиб шаклланишида хизмат қилишига алоҳида урғу берилади.

Техника, иқтисодиёт, табиий ва аниқ фанлар, шунингдек, педагогика йўналишларида дуал таълимнинг аҳамиятини тасаввур қилиш осон, чунки бу соҳаларда тўғридан-тўғри жамият учун керакли кадрлар тайёрланади. Ўзини ўзи банд қилиш имкониятига ҳам эга бўлишади, университетда мазкур кўникма ва малакалар шакллантирилади. Бироқ ижтимоий-гуманитар йўналишда, хусусан, филология факультетида таҳсил олаётган талаба қандай ўқитилиши керак?!

Амалий фанлар университетида бу масала ҳам эътиборга олинган. Малакали профессор-ўқитувчилар

талабаларга нафақат ихтисослик фани асосларини ўргатади, балки унга алоқадор, жамиятда эҳтиёж юқори бўлган хизмат турларини бажара олиш, ўзини ўзи банд қилишга мустақил таълим топшириқлари орқали йўналтиради. Бу борадаги ишлар дастлабки амалий натижаларини кўрсатмоқда. Хусусан, ўзбек тили ва адабиёти йўналишида фольклор бўйича таниқли мутахассис – филология фанлари

доктори, профессор Олимжон Қаюмов талабаларга “Фольклоршунослик” фанидан таълим бериш билан бирга мазкур фанни қадрият сифатида улуғлаш, уни жамият орасида жонлантириш, оммалаштириш, мамлакат, қолаверса, дунё миқёсида танитиш бўйича амалий, муҳим лойиҳалар тайёрлашни мустақил таълим топшириғи сифатида бериб, уларни фойдали ишга йўналтирмоқда.

Талабалар фольклор намуналарини тўплаш ва ўрганиш бўйича сўровнома-анкеталар, туристларга энг қадимги фольклор намуналари ҳақида маълумот берувчи йўриқнома, қўлланма, буклет ва уларнинг электрон намуналарини тайёрлаш, мамлакатда миллий қадриятларни ўрганиш ва қўллаб-қувватловчи ташкилот ва марказлар билан ҳамкорлик қилиш, фольклор намуналаридан фойдаланиб, креатив реклама маҳсулотларини тайёрлаб бериш каби хизматларни йўлга қўйишни ўрганмоқда. Булар, албатта, кредит-модуль тизимининг асоси бўлган мустақил таълимдан самарали фойдаланиш ҳисобига амалга ошади.

Университетнинг яна бир нуфузли олими тадқиқотчи-профессор Бахтиёр Менглиев “Тилшунослик асослари” фанини талабаларга ўтар экан, уларга дунё тиллари ва уларнинг таснифи, универсал тил ходисалари, тилларнинг универсал ички қурилишини, тиллар тизимида ўз-

бек тилининг ўрнини ўргатиш билан бирга ўзбек тилини ривожлантириш бўйича бугун қилиниши зарур бўлган амалий ишлар ҳақида маълумот бериб боради. Мустақил таълим топшириқлари сифатида талабаларга ўқув лўғатлар яратиш, электрон лўғат тузиш, мобиль иловалар яратиш, миллий тил корпуси учун морфологик шакллари аниқлаш, мактаб ва боғчалар учун ўқув изоҳли, расмли лўғатлар яратиш каби амалий аҳамияти юқори топшириқлар беради. Талабаларни бугунданок фойдали иш билан шуғулланишга ўргатади.

Амалий фанлар университети хузурида бевосита Бахтиёр Менглиев ташаббуси асосида тил ва тилшунослик масалалари билан амалий шуғулланиш имкониятига эга бўлган “Лингвистик клиника” маркази ташкил этилмоқда.

Мазкур марказ лингвистик экспертиза, матн таҳрири, матн таржимаси, ўқув лўғатлари яратиш, диссертация мавзулари ва авторефератларни таҳрир қилиш, миллий тил корпуси учун материал тайёрлаш, ёзма ишларни текшириб бериш, социолингвистик сўровлар ўтказиб бериш каби хизматларни амалга оширишни кўзда тутмоқда. Ушбу марказ университет талабалари учун амалиёт ўташ, қўшимча касб ўрганиш, ўзини ўзи вақтли банд қилиш масканига айланади.

Университетда педагогика соҳасига доир янги илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда, олимлар ўқитиш методикасида амалий аҳамиятга эга бўлган кўриб тушуниш малакасини узлуксиз таълим тизимида жорий қилишни таклиф қилмоқда. Таълимда кўриб тушуниш кўникмасининг амалий аҳамияти, хусусан, касбий малакани такомиллаштиришдаги ўрнини илмий асослашга ҳаракат қилмоқда.

Умуман, Тошкент Амалий фанлар университетида кредит-модуль тизимига ўтиш босқичида мустақил таълим орқали талабаларни фойдали банд қилиш амалиётини, шунингдек, амалий аҳамиятга эга илмий тадқиқотлар билан шуғулланишга доир тажрибани оммалаштириш самарали натижа беради.

Ғофир ҲАМРОЕВ,
Тошкент Амалий фанлар университети тадқиқотчи-профессори, педагогика фанлари доктори

Яккасарой туманидаги “Дилбулоқ” маҳалласининг кўп қаватли уйларида бирида қирқ йиллик қадрдоним, зиё тарқатувчи укамиз Аминжон Аҳмедов ўттиз етти йилдан бери истиқомат қилади. Уйининг орқа томонидан “Салар” ариғи ўтган. Яқин- яқингача бу ариқнинг аҳволини кўрган киши ич-ичидан ачинмай қолмас, унинг турли-туман чиқинди ва ахлатлар билан тўлиб бораётгани, ўт-ўланлар билан қопланган балчиқ ҳиди ҳавони булғайгани, афсуски, ҳеч кимни ташвишга солмас эди.

Маҳаллий ҳокимиятдагилар эса кўриб-кўрмаганликка олар, Саларнинг бундай “кўрки-жамоли” бутун бошли пойтахт раҳбарларини ҳам мафтун этган бўлса керакки, уни замонавий сув иншоотига айлантиришни ҳатто, ҳаёлларига келтирмас эдилар. Бунинг устига “ақли расо” одамлар уйларидаги чиқиндини махсус жойдаги идишларга олиб бориб ташламай, юқоридан туриб, Салар томонга улоқтирар, бу санитария-гигиена қоидаларининг бузилишига, йўқ жойдан касалликнинг пайдо бўлишига сабаб бўларди. Бу ердаги нохуш манзара Аминжоннинг ҳам гашини келтирар, асабини бузар, тегишли идораларга қилган мурожаатлари жавобсиз қолаётганидан хуноб бўларди.

Елиб-югуришларидан садо чиқмагач укамизнинг ўзи енг шимариб майдонга тушди. Уйининг деворига қадар такалиб келган ахлат хирмонларини эрталаб ва ишдан келиб, кўздан анча нари жойга таший бошлади. Дам олиш кунлари тонгдан-шомгача тер тўкди. Кўни-қўшнларининг бири ҳавас қилса, бири ҳасад қилди. Бири ҳорманг Аминжон, Худойим ишингизнинг баракасини берсин деса, бошқаси ўзи шу савобли ишни қилолмаганидан ич-этини еди. Аммо беш бармоқ баробар бўлмаганидек, кўп қаватли уйлардаги одамлар ҳам ҳар хил. Бири ёш бўлишига қарамай, чиқиндини деразасидан туриб иргитса, бири ҳасасага таяниб юрса ҳам, ахлатни белгиланган жойга олиб бориб ташлайди. Бири тозалikka амал қилса, бирининг уйига мўралашдан ҳазар қиласиз. Хуллас, “дом” деган жойда яшаётганларнинг шундайлари борки, улар на маънавиятнинг ва на маданиятнинг кўчасидан ўтган. Ана шундайларнинг фаросатсизлиги боис айрим кўп қаватли уйлар атрофи ахлатга ботиб ётади. Бу ўша маҳалла оқсоқоли, унинг ўринбосари, ички ишлар хизматининг инспекторлари одамлар орасида юрмаслиги, катта-кичик билан учрашиб, аҳолини маҳалланинг ҳар бир қарич ерини тоза-озода тутишга, обод қилишга даъват этмаслигининг, бу борада ташаббус кўрсатишни ўзларига ортиқча иш деб билишларининг оқибатидир.

Аминжон ўзининг хонадони тўғрисидаги уч сўтихча жойни тозалаб, текислади, ағдариб, мотор билан Салардан оби-ҳаёт чиқариб, ўғитлаб суғорди. Сўнг анор, олма, олча, олхўри, ўрик, хурмо, анжир, узум кўчатларини тартиб билан экди. Меҳр билан парвариш қилди. Ҳа демай, ёш дарахтлар япроқ ёзиб гулга кирди. Нишона мева берди. Ўшанда Аминжоннинг қувонганини айтмайсизми? Нега қувонмасин? Кечаги ташландик жойда ўзининг пешона тери билан кўзни қувнатадиган, дилни яйратадиган мўъжазгина гўзал боғ дунёга келадию

юрак-юракдан хурсанд бўлмайдами? Бўлади-да! Қани энди мана шундай фидойилик ва яратувчанликнинг кадрига етиб, Аминжонга ўхшаган



ҲАР КИМ ЎЗ ҚЎРҒОНИНИ ОБОД ЭТСА...

ларни қўллаб-қувватласак, ёрдам берсак, нур устига аъло нур бўлмайдами?! Афсуски, “бор бўлса, кўролмайди, йўқ бўлса, беролмайди” кимсалар ҳозир ҳам йўқ эмас. Аминжон не-не машаққатлар билан бунёд этган боғ йилдан-йилга чирой очиб, дарахлари кучга кириб, яхшигина ҳосил бера бошлаганда ўроқда йўқ, машоқда йўқ, хирмонда ҳозир текинхўрлар пайдо бўлди. Шиғил мевали ўрикнинг довчасини ейиш билан чекланмаган атрофдаги кўзи оч болалар дарахтларнинг шоҳларини синдиришгача боришди. Анорларни хомлайн узиб кетишди. Меҳнатига куйиб қолишни истамаган укамиз анча-мунча маблағ сарфлаб, боғини панжара билан ўраб қўйди. Шубҳасизки, бу туман ҳокимлигининг ўша пайтдаги шотирларига маъқул келмади. Ҳокимнинг қарорини рўқач қилиб, бузамизга тушишди. Боғ эгасининг куйинганча тушинтириши-ю, илтижоларига қулоқ солишмади. Орага тушган маҳалла оқсоқоли Мирзатилла Мирзарайимовнинг илтимоси ҳам инобатга ўтмади. Қоидали қилинган панжара деворни кесиб ташлашди. Бу калтафаҳмликдан бошқа нарса эмас, албатта. Лекин Аминжоннинг хайрли ишига нисбатан қилинган жохиллик боғбон йигитнинг қўлини совутолмади, фарзандларидек бўлиб қолган боғининг ҳар бир дарахтини кўз қорачиғидек асради, уларга шикаст етмаслиги учун куну тун хабар олиб турди.

Раҳбар келиб, кетаверади. Халқ эса қолади деган гап бежиз айтилмаган. Тўғри-да, яхшидан боғ, ёмондан доғ қолар деганларидек, дарахт эккан, боғ яратган, одамларни ортидан эргаштириб юртни обод қилган раҳбар кам бўлмайди. Кўпчиликнинг дуо-си билан юксакликлар сари одимлаб

бораверади. Кеккайган, узокни кўра олмайдиган, одамларга суянмайди-ган, уларнинг фикри билан ҳисоблашмайдиган, менинг гапим гап дейдиган раҳбар узокқа бормайди.

Яқинда ҳуқуқ-тартибот соҳасида яхшигина тажриба тўплаган Нилуфар Аллаберганова Яккасарой тумани ҳоким лавозимига тайинланди. Ишнинг кўзини биладиган раҳбар ўз ҳудуди аҳолисининг шарт-шароитини, талаб ва истаклари-ю, муаммоларини чуқур

ни билмаган кимса эса уни ер бўлганига пушаймон қилдиради. Устига бетон ётқизиб, машинасини қўяди. Буни кўрган маҳалла оқсоқоли ҳам, профилактика инспектори ҳам, ҳокимият вакили ҳам лом-мим демайди. Машинадан чиқадиган заҳарли тутун аста-секин атрофдаги яшиллик оламини қуритади. Бу қўшнлар ўртасида ади-бадининг юзага келишига сабаб бўлмайдами? Бўлади! Чунки бир парча ерни машина қўядиган жойга ай-

лантирган кимса, эътироз билдирган қўшнисига “бу ер давлатники, сеники бўлса, ҳужжатини кўрсат” дейди.

Тўғри, ер давлатники. Давлат эса – халқ. Бир парча ерни обод қилиб ўтирган одам эса халқнинг вакили экани ҳам билишимиз керак-да! Бунинг устига у ерни талон-торож қилаётгани йўқ. Аксинча, унинг умрини узайтириш учун меҳнат қилиб, гўзаллик яратмоқда. Ўғил-қизлари-ю, набираларини она Ерни асрашга, унга меҳр беришга ўргатмоқда. Бундай одамнинг меҳнатини қадрламаслик кони гуноҳ эмасми?! Кўп қаватли уй олдидаги бир парча ерни абгор қилган кимсанинг қилмиши эса мутлақо ноқонуний. Иккинчидан, қурилиш ва меъморчилик қоидалари кўпол равишда бузилмоқда. Ёнг дахшатлиси, бундай ўзбошимчалик тобора авж олиб, шаҳар маданиятига жиддий путур етмоқда. Бунга чек қўйишнинг бирдан-бир йўли ўша бир парча ерни обод қиладиган оилага ижара сифатида ҳужжатлаштириб бериш мақсадга мувофиқ. Бу ташаббусни Яккасарой тумани раҳбарияти Аминжон Аҳмедов мисолида барча маҳаллаларда татбиқ этса, туман қанчалар обод, қанчалар фаровон, қанчалар бой бўлишини тасаввур қилиш қийин бўлмаса керак. Бу ташаббусни пойтахт ҳокимлиги қўллаб-қувватласачи? Ундан вилоятлар ибрат олсачи? Бунга миллиард-миллиард маблағ эмас, бор-йўғи эътибор, ғамхўрлик керак, холос. Давлатимизнинг бу борада олиб бораётган адолатли сиёсати айнан шуни талаб этаётгани сиз билан биз учун жуда катта имконият эмасми?!

Нуриддин ОЧИЛОВ,
Ўзбекистон Журналистлар
уюшмаси аъзоси

Улуғ ёзувчи Чингиз Айтматовнинг Асил Рашидовга меҳри бўлакча эди... “Менга ихлос қилиб, китобларимни ўзбек тилига таржима қилган дўстларимга, айниқса, таржимон Асил Рашидовга ташаккур айтмоқчиман, – деган эди Чингиз оға. – Чунки менинг “Оқ кема”, “Жамила” “Алвидо, Гулсари!” каби бир қанча повестларимни Асилжон худди мен қирғиз тилида ёзгандай жарангли таржима қила олган”...

ИККИ МИЛЛАТ ДАХОЛАРИ

1961 йилда “Қибрай садоси” газетасида менинг “Она рози бўлди” номли севги-муҳаббат мавзусидаги ҳикоям чоп этилган эди. Айни пайтда келгусида моҳир таржимон, Давлат мукофоти лауреати, профессор Асил Рашидов таржимасида Ғафур Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриётида чоп этилган Чингиз Айтматовнинг “Жамила” қиссаси қўлимга тушиб қолди.

Бу қиссада фронтга кетган йигитнинг хотини – Жамила ва иккинчи жаҳон урушидан ярадор бўлиб қайтган Дониёр исмли йигит ўртасида вужудга келган муҳаббат тўғрисида шундай ҳикоя қилинадики, қисса шундай катта маҳорат билан таржима қилинган эдики, бирорта китобхонда, “бу аёл эрига хиёнат қилди” деб, улар севгисини қоралашга тили бормади. Жамила ва Дониёр бирга қочиб кетишади. Қисса урушга лаънат ўқийди, соф муҳаббатни кўкларга кўтариб қасида ўқийди... Шу-шу Асил ака таржимасида чиққан Чингиз Айтматов асарларини топиб ўқишга ҳаракат қиламан, ўқиб бир дунё таассурот оламан. Менинг бу қизиқишимни билган Асил ака, ўз вақтида “Ўзбекистон” нашриёти унинг “Чингиз Айтматов олами” номли монографиясини чоп этганда дастхат билан ушбу китобни менга совға қилди.

Мен ҳам бир қадар таржимонлик билан шуғулланганим боис, ушбу касб сир-асрорларини, хусусан, бу борада ўзига хос мактаб яратган Асил Рашидов маҳоратини ўрганишга, қандай қилиб бу соҳага киришганликлари билан қизикаман. Академик Воҳид Зоҳидов ўз эсдаликларида шундай ёзади “1960 йил охирилари бўлса керак. Камина шифохонада муолажа олаётган эдим... Ўшанда ташқи мамлакатлар билан алоқадор марокли бир журнал қўлимга тушиб қолди. Ундаги анча материалларни катта қизиқиш билан ўқиб чиқдим...”

Журналда машҳур француз ёзувчиси Луи Арагоннинг у вақтларда машҳур бўлмаган, номи у ер-бу ерда эндигина ҳурмат ила тилга олинаётган қирғиз адиби ва унинг “Жамила” асари ҳақидаги мақоласини ютоқиб ўқий бошладим... Айтиш мумкинки, асар бадиий мўъжизадек талкин қилинган эди. Ўзбек юрти билан қўшни, қардош қирғиз халқининг шухратини ҳатто Парижгача – Луи Арагонгача таратган ёзувчига ҳавасим келди, жудаям хурсанд бўлдим. Қиссани топтириб, эрталабга қадар мириқиб ўқиб чиқдим.

Китоб мутолааси билан тунни бедор ўтказган кунимнинг индинига ўша вақтда аспирантурада таҳсил олаётган қобилиятли Асил Рашидов кечга яқин биз беморни кўргани – ҳол сўрагани келди. Ҳозир у салмоқли китоблар, ўнлаб мақолалар муаллифидир. Чингиз Айтматовнинг деярли барча асарларини ўзбек тилига ўгириб нашр эттирган азаматдир!

Луи Арагон мақоласидан олган таассуротларимни дарҳол унга айтиб бердим; журнални эса унинг қўлига тутқаздим. “Жамила”ни ўзбек тилига ағдарिश кераклигини илтимос қилдим. Кўп ўтмай бу илтимос жуда одобли ва истеъдодли адабиётчимиз томонидан дўндириб бажарилди. “Жамила” асари ўзбек халқининг ҳам мулкига айланди”.

Чингиз Айтматов таникли журналист Анвар Жўрабоев билан бўлган бир суҳбатда Асил ака тўғрисида шундай деган эди: “Мени Асил Рашидовнинг истеъдоди, айниқса, таржимонлиги

айланиб улуғ ёзувчи Чингиз Айтматов ижоди ҳақида борди. Шунда Раҳматилла бир марта машҳур журналист Зиёд Есенбоев уйига борганида Чингиз Айтматов меҳмонга келиб қолгани, уни журналист эканлигини билгач, улуғ ёзувчи “Ҳаётга, оламга кўзларингни катта очиб қараб юр, ўрган, таҳлил қил, кўрганларинг ҳақида кўпроқ мушоҳада қилишни ўзинга одат қилиб ол”, деб насиҳат қилгани тўғрисида гапирди.

Ўз навбатида, Қирғизистоннинг Ўш вилоятидан бўлган Аҳмаджон Мелибоев, кўпроқ Чингиз Айтматов



Сурапта: профессор Асил Рашидов шогирди таржимон Носир Тоиров билан

хайрон қолдирди... Раҳматли акаси Шароф Рашидов ҳақида бўхтонлар тўқилганида у ҳам қанчалар изтироб чеккани аниқ, лекин ундаги умид, эътиқод заррачаем синмаганини эшитиб, бундай иродаси кучли одам билан яна бир марта ғурурландим.

Ана шундай адиб ва таржимон дастлаб менинг ижодим билан ўзбек адабиёти ўртасида кўприк ясагани мен учун чексиз қувончдир”.

Айни пайтда, Ўзбекистон юксак мукофотлари – “Дўстлик” ва “Буюк хизматлари учун” орденларига сазовор бўлган, халқимизнинг улкан меҳр-муҳаббатини қозонган улуғ ёзувчи Чингиз Айтматов ижодига Миллатимиз Сардори томонидан катта эътибор берилмоқда. Бу ўз навбатида мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёевнинг қўшни мамлакатлар билан дўстлик, ўзаро манфаатли ҳамкорлик муносабатларини юқори босқичга кўтаришга қаратилган сиёсати туфайли, бутун Марказий Осиё ва Қозоғистонда кўтаринки руҳ, яхши кайфият ва ҳамжиҳатлик муҳити юзага келганлигининг ёрқин кўринишидир.

Шуларни ўйлар эканман, туманимиз фаоли, таникли журналист Раҳматилла Шералиевнинг хонадонида, ўтган аср 80-йилларнинг охирида, унинг муборак ёшга тўлгани муносабати билан ёзилган дастурхон атрофида тўпланганимиз эсимга тушди. Шунда мазкур тадбирга Раҳматилланинг яқин дўсти, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасининг ўша вақтдаги Бош муҳаррири Аҳмаджон Мелибоев ташиф буюрди. Суҳбат

билан суҳбатдош бўлган ва унинг ижодини чуқурроқ билгани боис, улуғ адибнинг асарлари Осиё ва Африка, Европа ва Америкада таржима қилинаётгани (170 тадан ортиқ тилга), қайта-қайта нашр этилишлари, севиб ўқилиши ҳақида сўз юритди... Қатор йиллар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида фаолият кўрсатган укам Маҳмудхон Ч.Айтматовни эслаб шундай ҳикоя қилган эди: “Мен “Марказий Осиё маданияти” газетаси нашр этилишининг беш йиллигига бағишланган тадбирда қатнашдим.

Ушбу тадбирда биринчи марта жаҳон адабиётининг ёрқин юлдузи, Ўзбекистоннинг самимий дўсти ёзувчи Чингиз Айтматовни яқиндан кўрдим ва унинг пурмаёно сўзларини бевосита ўзидан эшитдим. Ёзувчининг қисса ва романлари (“Жамила”, “Алвидо, Гулсари”, “Оқ кема”, “Асрга татиғулик кун”, “Кунда” ва бошқалар) ни қўлдан қўймасдан ўқиганман, матбуотда оташин чиқишларини (шу жумладан, ўзбек халқининг Марказий Осиёда тутган ўрни, қардош халқлар маданиятларини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси, пахтакорларимизнинг умуммамлакат раванки учун фидойилик билан қилаётган машаққатли меҳнати, ўзбеклар шаънига марказдан туриб ноҳақ тош отилаётганлиги ва бошқа ўткир муаммолар ҳақида) ўқиб мамнун бўлганман.

Чингиз оға минтақамиз халқларининг умумжаҳон цивилизациясига қўшган бебаҳо улуши, қардош халқларимиз маданиятлари илдинининг бирлиги ва

“Марказий Осиё маданияти” газетаси бу бирликни мустаҳкамлаш учун қилаётган хизматлари, шу соҳада таҳририят ва жамоатчилик, хусусан, ёзувчи ва журналистлар олдида турган вазифаларга тўхталиб ўтди.

Шундан сўнг Марказий Осиё халқлари вакилларининг суҳбати дастурхон атрофида давом этди. Мен академик Шавкат Воҳидов, рассом Рўзи Чориев, бошқа бир қатор таникли давлат арбоби ва фаоллар билан бир дастурхон атрофида ўтириб, гоҳ ўзбек, гоҳ тожик, гоҳ рус тилида олиб борилган мулоқотга онда-сонда аралашиб турдим. Албатта ҳаммамиз Чингиз Айтматовнинг даъватли сўзлари таъсири остида эдик ва кўпроқ тилларимиз, адабиёт ва санъатимизнинг яқинлиги, уларнинг ҳозирги аҳволи ва жамоатчиликни ташвишлантираётган салбий томонлари борлиги хусусида фикр юритар эдик. Самимийлик муҳити, руҳий кўтаринкилик, бутун тадбир давомида ҳукм сурган яхши кайфият орамизда қандайдир яқинлик туғдирди.”

Дарҳақиқат турк оламининг беназир адиби Чингиз Айтматов нафақат қирғиз эли, айни пайтда, бутун туркий мамлакатлар, жумладан, ўзбек халқи учун ҳам азиз сиймо, кўпгина мамлакатлар қаторида Ўзбекистоннинг ҳам қадрли ва улкан дўсти эди. Шуларни ўйлар эканман, Асил ака Рашидовга айтганларига қўшилиб: “Чингиз Айтматовнинг сўнмас сиймоси ва мангу даҳоси сизу бизнинг ойдин йўлимизни янада мунаввар этиб турсин.” - дегим келади.

Барчанинг кўнгил қўшқидан чуқур жой олган ёзувчи қирғиз ва рус тилларида бирдек маҳорат билан ижод қилгани эътиборни тортади.

Чингиз оға, айниқса, Ўзбекистонда унинг ижодига зўр қизиқиш билан қаралаётгани, баъзи асарлари қирғиз тилидагидан ҳам кўра кўпроқ нусхада босилаётгани, “Сарвкомат дилбарим”, “Момо Ер”, “Оккема”, “Алвидо, Гулсари!”, “Соҳил бўйлаб чопаётган олапар” каби асарлари ўзбек сахналарида намоиш этилаётгани, таржимонлар, режиссёр ва актёрлар бутун маҳоратларини ишга солиб, унинг ўй-фикрини китобхонга, томошабинга тўғри етказишаётгани, республикаимизнинг кўплаб олий ўқув юртларида ижодига бағишланган китобхонлар конференциялари доимий равишда ўтказилаётганидан хурсанд бўларди.

Дарҳақиқат, қирғиз ёзувчиси Чингиз Айтматов улкан истеъдод эгаси эди.

У ҳақида гап борганда, ижодкор яратган образлар, воқелиklar, асарлари бирин-кетин ёдимизга тушади. Ва, шунда биз, адабиётнинг ҳақиқий кучига, ижоднинг сеҳрига лол қолмасдан ўзга чора тополмаймиз. Чунки бу куч, бу сеҳр дунёни бирлаштиради, миллатларни миллатларга тилақдош қилади.

Носир ТОИРОВ,
Ўзбекистон Журналистлар уюشمаси
аъзоси.

Бизнинг энг катта муаммомиз – Ўзликни сиёсий, маданий

(Боши 1-саҳифада)

Ўзлимиз тамали нима?

Бизнинг энг катта муаммомиз – ўзликни сиёсий, маданий ёки диний асосга “боғлаб” қўйганимиздир. Юртдошларимизга асосан сиёсий манфаатларга бўйсундирилган ўзлик шакли тақдим этиб келинди. У ҳали-ҳамон ўзбек фанида мустақил тушунча сифатида тўлиқ акс этмаган.

Ўзлик кўп қатламли таълимот ўлароқ сиёсий, маданий, этник, диний ва фуқаровий унсурлардан ташкил топади. Таъкидлаш жоизки, унинг бирон элементи устунлик қилмаслиги керак. Агар бирон бир унсуру устунлик қилса, унинг ўзани ўзгариб, “ўзга”нинг манфаатига хизмат қила бошлайди.

Ўзлик каби “ўзга”ни ҳам ҳозирча фақат тарихий мезонга кўра тавсифлаш мумкин. У турли вазиятларда давлат, ҳокимият, куч, илм-фан, маданият, дин тарзида намоён бўлади.

Постколониал босқичдаги Ўзбекистонда ўзликнинг мустақил категория сифатида шаклланиши сабабларидан яна бири – “ўзга” билан муносабатда мувозанат йўқлигидир. Бу ҳол ўзликнинг барча шаклларида салбий таъсир ўтказяпти. Тафриқага қарши курашиш ва унга чек қўйиш учун эса интеллектуал тарих соҳаси рағбат топиши зарур.

Ўзликнинг функционал асосини тарихий тажриба ва келажак режалар ташкил этади. Соддароқ айтганда, ўзликни жамият маҳсули дея талқин қилса ҳам бўлади. Машҳур француз психоаналитиги Жак Лакан айтганидек, “Ўзлик ўзга ҳозир бўлганда англади”. Демак, ўзлик ўз-ўзини англай олмайди, балки “ўзга”ни тақозо этади. Бизда фаранг олимининг формуласи бошқача шаклда бўй кўрсатмоқда: ўзлик “ўзга” билан қизғин курашда ўз қобилигига ўралиб, моҳиятини йўқотмоқда. “Ўзга” мудом ўзликни бўйсундирмоқни кўзлайди. Кучлар баробар бўлмаган курашда, табиийки, ўзлик чекинади. Моҳиятан ўзлик доимо ўзини кашф қилади, “ўзга” эса бу жаранни измига солмоқни истайди. Агар ўзлик мустақкам ва пойдор бўлса, у ташқи омил таъсирида заифлашмайди, балки оловда тобланган темирдек пишиб-етилади.

Ўзликни сиёсий институтларга боғлиқ деб биландиган зиёлиларимиз унинг мустақиллигини тан олгиси келмайди. Яна айримлар уни давлат шакллантириб бериши керак деб ҳисоблайди. Бундай вазиятда давлат “катта ўзга”га (Ж.Лакан истилоҳи) айланиб қолиши ҳеч гап эмас.

Мутараққий дунёда аксинча – ўзлик ҳар бир шахснинг танлов ва иродасига вобаста кўрилади. Илмий лаҳжада айтганда, ўзлик моҳиятан вертикал эмас, балки горизонтал анланмаган истаклардан иборатдир. Яъни истакларнинг шаклланиши сиёсий институтларга боғлиқ бўлмаслиги лозим. Хоҳиш-истаклар сиёсий институтлар назоратида бўлган муҳитда ўзлик таълимоти вертикал тарзда идрок этилади, жамиятда ҳатто тенгсизлик рисоладаги

ҳол дея қабул қилинади. Бу жиҳатдан француз файласуфи Жиль Делёзнинг “кўпилдизилик” (фр. rhizome – ризома) назарияси масала моҳиятини теран англашга ёрдам беради.

Мамлакатимиз илм ва ижод аҳли ҳам ўзликнинг негизини қидириб келади. Аммо бизнинг ҳатомиз шундаки, нафақат ўзликни, балки барча ижтимоий категория ва тушунчаларни вертикал тасаввур қиламиз, кўпинча ҳаёт-мамот масалаларида “катталар нима деса шу” деган ақидадан четга чиқа олмаймиз. Бу эса ғоявий жабҳада мувозанат бузилишига олиб келади.

Қизиқ ҳолат шуки, аксар зиёлиларимиз “ўзлик асосида истак-хоҳиш ётади” деган фикрни жиллакурса муқобил вариант ўлароқ қабул қилмайди. Улар наздида, истак-хоҳиш – салбий категория. Одамзодни ҳайвонот олампидан истак-хоҳиш ажратиб туришини унутиб қўйганмиз гўё. Аслида, истак-хоҳишларнинг намоён бўлиши ўзликка кучли таъсир кўрсатади. “Ўзга”нинг мурод-мақсади ҳам ўзликнинг истак-хоҳишига таъсир ўтказишдан иборатдир.

Яна айрим зиёлиларимиз негидир “ўзга”нинг ўзликка “босим”ини табиий деб билади. Соддароқ айтганда, сиёсий институтларнинг барча чора-тадбирлари истисносиз қўллаб-қувватланади. Бу ҳам постколониал жамият асорати бўлса ажаб эмас. Чунки давлатчиликни бундай талқин этиш совет даврига хосдир.

Ўзликнинг функционал шакл-шамойили ижтимоий ҳаётда акс этади. Унинг мавжудлиги, яшамоғи учун қайноқ ижтимоий ҳаёт зарур, албатта. Ўзлик ижтимоий категория экан, у бевосита шу маконнинг тарихий тажрибасига таяниши керак. Жамиятимизда эса ҳалигача “европалашиш”, “туркийлашиш”, “миллийлашиш”, “исломлашиш” кутблари ўзаро ихтилофда. Демак, муаммо аниқ, энди унга оқилона ечим топмоқ лозим. Бизнингча, ечим – ўзликнинг горизонтал тасаввурини яратиш, “ўзга”нинг устунлигини қайтаришда. Сираси, уни сиёсий манфаатларга эмас, балки инсон манфаатларига бўйсундирмоқ даркор.

Тарихий онг ва ўзлик

“Ўзлимизнинг асосини тарихий онг ташкил этади” дея оламизми? Бизнингча, йўқ. Чунки бизда тарихий онг палапартиш ҳолатда ва мафкура-лаштирилган шаклда. Парадокс шундаки, у ҳали тўлиқ идрок этилмаган. Идрок этилмаган тарихий онг эса ўзликка эмас, балки “ўзга”га хизмат қилади. Тарихий онг гоҳида репрессив ғоя тўнини кийиб, мафкуравий вазифаларни бажаради.

Тарихий онг шаклан Фанлар академиясида мавжуддир, лекин жамият унинг мазмун-моҳиятидан тўлиқ ҳабардор дея олмаймиз. Аниқроқ айтганда, бу борада фақат тор илмий доираларда гапирилмоқда, кенг жамо-

ёки диний асосга “боғлаб” қўйганимиздир

атчилик эса ундан воқиф эмас.

Аслида, тарихий онг асосида тарихий хотира ётади. Лекин бизда тарихий онг негизида “ҳаққоний тарих” манамен деб бўй кўрсатиб турибди. “Ҳаққоний тарих”ни мамлакат аҳли изламоқда, лекин у постколониал жамиятнинг ҳаёлотли, холос. Ҳатто зиёлиларимиз ҳам у асотири эканини англаётгани йўқ. Ҳаёл маҳсули ортидан чопиш эса асосий муддаодан чалғитмоқда.

Бизнингча, тарих ўзликнинг функционал асоси бўла олмайди. Боз устига, айрим сиёсий гуруҳлар манфаатига хизмат қилувчи тарих миллатчиликка ҳам етаклаши мумкин. У ҳолда қани ўша “ҳаққоний тарих”? Ким, қачон тиклайди уни? “Ҳаққоний тарих” тикланса, ўзлимиз шаклланиши итмомига етадими? Умуман, ўзлик масаласи фақат шу омилга боғланиб қолганми? Шу каби саволлар теграсида баҳс-мунозара йўқлиги гуманитар фанларда илмий савия тушиб кетганидан далолат беради.

Тарих фани ва фалсафасидан боҳабар олим “ҳаққоний тарих”ни қидириб вақт йўқотмайди, чунки тарих “мафкурадан холи макон”лигини (француз олими Пьер Бурдьё таърифи) яхши билади. Дарҳақиқат, тарих фани мустақил маконга эга. Аммо биз кўпинча тарих, социология, фалсафани сиёсий маконга бўйсундириб, англаб-анланмаган ҳолда “катта ўзга”нинг тегирмонига сув қуймоқдамиз. Буларнинг бари асотириларга тўла, пировардида ресентимент (субъектнинг ўз омадсизликлари сабабини “ўзга”да кўриши, айбдорлик ҳиссидан қутулиш илинжида душман тимсолини яратиш) ҳолатига етаклайдиган “ҳаққоний тарих”га эҳтиёж туғдиради.

Тарихий онг замирида анланган замонавийлик ётади. Ўзлик “ўзга”га қарши курашда ҳам тарихий онгга таянади. Жамиятимизда эса бунинг акси кузатилаётгандек. Тарих маконини замонавий истак-хоҳишлар эгаллаши ҳам дуруст эмас. Бинобарин, ўтмиш бугуннинг муаммоларига универсал ечим бўла олмайди.

Бизга нима ҳалал бермоқда?

Ўйлашимизча, шонли ўтмиш ва буюк келажак ғоялари ўзлик таълимотини шакллантиришимизга ҳалал бермоқда. Сираси, бизнинг ўтмишимиз замонавий шаклда намоён, мазмуни эса келажакда жамлангандир. Шу боис ҳам ҳозирги кунимиз тўлиқ замонавийликка айланаётгани йўқ – мамлакат аҳолисининг аксари уни ўтмишининг,

зиёлиларимиз эса келажакнинг бир қисми деб билади. Олмон социологи Юрген Хабермас Европада “модерн (замонавийлик) – тугамаган дастур” деб ёзган эди. Олимнинг бу фикрини ҳаётимизга татбиқ қилсак, “ўзлик – тугамаган дастур” ўлароқ инъикос этади.

Тарихий онг тугал шаклланимагани ёки советча онгнинг ҳалигача устунлиги сабаб ўзлимиз постколониал ва модерн (сталинча вариантда) категорияларига боғлиқ бўлиб қолмоқда. Оқибатда, жамиятда маданий тараккиёт паст-баланд тарзда кечмоқда, зиёлилар орасида илмдан йироқ баҳслар кўпаймоқда, дунёвийлик ва диний тафаккур турли жабҳаларда тўқнаш келмоқда. Интеллектуал “айирмачилик” ва бошбошдоқлик, миллий ўзликнинг тарихий асослари бўшлиғи шундай нораво ҳолни пайдо қилади. Бу вазиятдан бизни фақат очик мунозара, эркин тафаккур ва чинакам ўзлик таълимоти қутқара олади. Яна Ж.Лакан назариясини ёдга олсак, ўзлимизни англашимиз учун “ўзга” керак. Ҳозирча жамиятимизда ҳақиқий ўзликка тенг “ўзга” йўқ, илло баҳслашаётган гуруҳлар мавжуд. Сиёсат, маданият ва дин инсон манфаатларига хизмат қилса, жамиятда муносиб “ўзга” вужудга келади. Ғоявий плюрализм эса рисоладагидек ўзлик таълимоти шаклланишига кўмак беради.

Яна бир бор таъкидлашимизки, ўзлимизга ўтмишнинг таъсири катта ва кўп ҳолларда у салбий таъсир кўрсатаётир. Асосий сабаблардан бири – биз ўтмишимиздан норозимиз. “Ҳаққоний тарих”ни излаш билан овора эканимиз боиси ҳам шу. Норизолик ҳам ўзлик, ҳам тарихий хотира шаклланишига тўсик бўлади. Бу кайфиятни енгиб ўтиш учун жамият тарих билан “хотиравий мураса”га келмоғи лозим. Зиёлиларимиз ва сиёсатчиларимиз тарих кечаги кун эканини тан олишлари зарур. Тарихий хотира қарор топмоғи учун мазийга муносабат ҳам ўзгариши керак. Замондошларимиз тасаввурда ўтмиш – ўтмиш эмас, балки ҳозирги кунгача давом этаётган узлуксиз воқеалар алмашинуви. Жамиятда кечаётган муноқашаларнинг сабаби ҳам шундир. Ўзлик ва тарихий хотира пойдор бўлмагани боис баҳслар алжираш ва шахсий манфаатлар тўқнашувига айланиб қолмоқда ёки сиёсийлаштирилмоқда. Алалоқибат, ўзлик бир четда қолиб, бошқа сиёсий ғоялар марказий ўринга чиқяпти.

Буюк ўтмиш ва ўзлимиз

Буюк ўтмиш ғояси “ҳаққоний тарих” тушунчасини пайдо қилди. “Буюк

Муассислар:

Ўзбекистон
Республикаси
Экология, атроф-
муҳитни муҳофаза
қилиш ва иқлим ўзгариши
вазирлиги

Тадбиркорлар ва
ишбилармонлар
ҳаракати —
Ўзбекистон
Либерал-демократик
партияси.

Ўзбекистон
Нодавлат нотижорат
ташкilotлари миллий
ассоциацияси.

Ўзбекистон
Савдо-саноат
палатаси.

Бош муҳаррир
Максуд ЖОНИХОНОВ

Газета таҳририятнинг
компьютер бўлимида
саҳифаланди.
“Шарқ” нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
босмахонасида чоп этилди.

Манзил:
Буюк Турон кўчаси 41.
Буюртма рақами Г-1110
Адади: 1015.
Пайшанба кун чикади.
Қўғоз бичими А-3,
ҳажми 3 босма табоқ.
Баҳоси келишилган нарҳда.
Газета Ўзбекистон
матбуот ва ахборот
агентлигида
2006 йил 0010-рақам билан
рўйхатга олинган.

ISSN 2010-7722

Газетанинг полиграфик
жихатдан сифатли чоп
этилишига “Шарқ” нашриёт-
матбаа акциядорлик
компанияси масъул.

100000, Тошкент шаҳри
Матбуотчилар кўчаси 32.
Маълумот учун телефонлар:
98-111-48-29
99-994-70-52

Реклама ва эълонлар учун:
Электрон почта:
jamiyat@umail.uz
Газета индекси — 131
“ЖАМИЯТ”дан олинган
маълумотларда манба
сифатида газета номи
кўрсатилиши шарт.
Топширилган вақти:
20:00

1 2 3 4 5 6

Ўтмиш” шундай феноменки, у гоҳида тўқима-хаёлий ходисаларни талаб этади. Шонли ўтмиш, улуғ аждодлар ғояси ўзлигимиз шаклланишига соя солаётгандек. Мантиқан баҳоласак, “буюк ўтмиш” концепцияси интеллектуал нотенгликни яратади. Чунки у кези келганда тарихни идеаллаштиришга мажбурлайди. Идеаллаштирилган тарихни ўқиган замонавий инсон бугун ва ўтмиш ўртасида нисбат қидиради, излаганини топа олмагач, тарихдан кўнгли совийди. Шу тариқа ўзликнинг функционал қуроли — тарихий онг шаклланмай қолади. Алалоқибат, замондошимиз ўзлигининг илдизини бошқа миллатлардан кидиради, яқин-йироқдаги мамлакатларга ҳавас-ла боқади, психологик жиҳатдан ўзини ноқис сеза бошлайди.

Шонли ўтмиш ғоясининг яна бир жиҳати ўзлик тушунчасининг сиёсийлашгани ва мафкуралашгани билан боғлиқ. Бу вазиятда у давлатчилик ғоясига чамбарчас боғланади, яъни давлатчилик “ўзга” вазифасини бажаради. Бизда ҳам охириги ўнйилликларда ўзлигимиз мазмунини давлатчилик мафкураси белгилагани сир эмас. Тарихимиз талқинида давлатчилик бирламчи аҳамият касб этгани сабабли у ўзлик масаласидан ҳам устун мавқени эгаллади. Ўзлик ҳатто давлатчиликнинг бир унсурига айланди. Аслида, аксинча бўлиши керак эди. Соғлом тафаккурга кулоқ тутиб, барини ўз ўрнига қайтариш вақти келди, назаримизда.

Мақола аввалида ўзлик бобида соф илмий мунозара кечмоғи учун интеллектуал тарих йўналишини ривожлантириш зарурлиги ҳақида гапирган эдик. Интеллектуал тарих тушунчалар тақомили ва тадрижини ўрганади. Академик тарихимизда ушбу йўналиш раванқ топса, ўзлик асосларини англаш ҳам осонлашади.

Интеллектуал тарих зарурати

Нормал ўтмиш ва нормал келажак ҳақидаги тасаввурларни айнан интеллектуал тарих шакллантиради. Ушбу илмий йўналиш ўтмишдаги ғояларни реконструкция қилиб, тушунчалар моҳияти ва мазмунини орасидаги фарқларни тадқиқ этади. Масалан, “Бобурнома”да Ҳирот аслзодаларининг ҳаёт тарзи нега қора бўёқда тасвирланган? Жаҳидлар нега айрим анъаналарни тараққиёт йўлидаги асосий ғов деб билган? Бобур Мирзо Ҳирот аркони давлатининг айш-ишратга берилгани Шайбонийхоннинг осон ғалабасига замин ҳозирлади деб ҳисоблайди. Жаҳид маърифатпарварлари эса қолоқ одатлар, тўйлардаги исрофгарчилик ва таълимга эътиборсизлик сабаб илғор ўлкалардан ортда қолиб кетдик деб қуянади.

Интеллектуал тарихчи учун ўтмишдаги воқеа-ҳодисаларни замондошлар қандай қабул қилиши, улар бугунги кун жамиятида қандай акс садо бериши ўта аҳамиятлидир. Ҳамма тарихчиларимиз ҳам матн замирида баҳсли фикр, муаллифнинг шахсий истак-манфаатлари ётишини тўғри тадқиқ қилавермайди. Айрим олимлар тарихий матнни замонавий мафкура кўзойнагини таққан ҳолда ўқийди. Яъни тарихий матнни идрок этишда ғоявий эврилишлар эътиборга олинмайди. Оқибатда, тарихий матннинг моҳияти бузилиб, мазмун таҳриргга учрайди. Бу ҳолат ўзлик шаклланиши ва мавжудлигига ҳавф туғдиради.

Ўзлик таълимоти ҳам интеллектуал тарихнинг асосий тадқиқот мавзуси ҳисобланади. Мулоҳазали саволларимизни давом эттирсак: Бобур ва жаҳидлар ўзлиги ўртасида муштарак жиҳатлар борми? Бобур ҳам, жаҳидлар ҳам замонасининг ашаддий танқидчилари ҳисобланади. Хўш, турли даврларда яшаган тарихий сиймоларнинг ўзлиги жавҳари нима эди? Умуман, аждодларимиз ўзлиги “эволюцияси” мавжудми?

Афсуски, ўзлик тадрижи борасида равшан тасаввурга эга эмасмиз. Чунки уни сиёсий категория деб қабул қилганмиз. Аслида, ўзлик ижтимоий категория ва ҳамиша замонавийликка алоқадордир. Мазкур тушунча ижтимоийлашуви учун унинг тарихи ёзилиши шарт. Бу яна бир қарра интеллектуал тарихни ривожлантириш лозимлигини тасдиқлайди.

Ренессанс ва ўзлик

Ўзлик таълимоти хусусида сўз борар экан, “ренессанс” (уйғониш) тарихий-мафкуравий концептини четлаб ўтиб бўлмайди. Минтақамиз халқлари икки қатта Ренессанс даврини бошдан кечирган. Биринчи давр IX–XII асрларни, иккинчиси XIV–XV асрларни ўз ичига олади.

XX асрнинг 20-йилларида Базель университети профессори Адам Мец Мусулмон ренессанси ҳақида батафсил ёзган эди. Шу даврдан эътиборан ренессанс нафақат Ғарб, балки Шарқ маданиятига ҳам тегишли экани исботланди. 1960 йилларида академик Виктор Жирмунскийнинг Шарқ ренессансида Алишер Навоий ролига доир мақоласи Темурийлар ренессансига илмий асос бўлиб хизмат қилди. Шу даврда академик Николай Конрад Темурийлар ва Ғарб ренессанси ўзаро боғлиқлигини асослади. Н.Конрад Навоий ўз асарларида умуминсоний ғояларни олға сургани билан бошқа Шарқ алломаларидан ажралиб туришини таъкидлаган эди. Совет Иттифоқи парчалангандан сўнг илм-фанда ренессансга муносабат кескин ўзгарди. Уйғониш ғояси гоҳ миллийлаштирилди, гоҳ динийлаштирилди.

Рус олими Леонид Баткин фикрича, “Ренессанс XX аср тарихий онгининг энг долзарб муаммоси ҳисобланади”. Аммо зиёлиларимиз бу илмий ҳақиқатни англамаётгандек. Чунки мазкур мавзуда на академик доираларда, на кенг жамоатчилик орасида очиқ мунозара кузатилмаяпти. Тарихий онг ва ренессанс даврларидан илҳом оляпмиз, зўр таъриф-тавсиф ёзаяпмиз, лекин масалани теран тафаккур қилиш, ижодий ёндашиш бобида ҳамон ортдамиз. Ренессанс тарихий онгимизнинг бир қисми экан, унга доир ғояларни тарихий хотира даражасига қўтармоқ лозим. Бу вазифа удаланмас экан, Уйғониш даври тарихий фактдан нарига ўтмайди.

Учинчи Ренессанснинг мақсади аён: ўтмиш ходисаларини тафаккур чиғиригидан ўтказиб, тарихий хотирани муштақамлаш ва тарихий онгни шакллантириш. Бунинг уддасидан чиксак, ўзлик бевосита ва билвосита тарихий онг билан вобаста бўлиб, соғлом миллий тафаккур вужудга келади. Демак, ренессансларимизнинг янги талқини зарур. Уларни ўрганиш билан чекланмай, Учинчи ренессанснинг илмий асосини яратиш лозим.

Орзудаги келажак

Кейинги вақтларда зиёлиларимиз матбуот ва ижтимоий тармоқларда “нормал

ўтмиш” ва “нормал келажак” ҳақида мулоҳаза билдира бошлади. Бу ўринда тарих ва келажакни буюклик даъвосидан халос этиб, инсон манфаатини илгари суриш назарда тутилмоқда. Боя қайд этганимиздек, ўзлик ғояси ўтмиш ва келажак босимидан халос бўла олмаяпти. Шонли ўтмиш, буюк келажак каби ғоялар эса “ўзга”нинг қуроли экани сир эмас.

Ўзлик доимо замонавий бўлиб, давр руҳини акс эттиради. “Ўзга” эса ўтмиш ва келажак категорияларига таяниб, мудом ўзлик “ҳудуд”ига дахл этиш пайида. Жамиятимизда ўтмиш ва келажак босими кучли бўлгани сабаб ҳам ўзлик ўзанини топа олмайди. Замонавийлик (модерн) орқали ўтмиш ва келажакни англаш бобида ҳам аҳвол кўнгилдагидек эмас. Оқибатда, “ўзга” буюклик даъвоси орқали замонавийликка таҳдид соляпти. Ўзлик билан “ўзга” орасида мувозанат бузилиши иккинчи томон фойдасига хизмат қилляпти.

Тарихий тажриба ва хулоса

Ўзлик тақомили жаҳонда қатта империялар (инглиз, француз, рус) барпо бўлиши даврига тўғри келади. Ғарбий Европа ва Японияда ўзлик миллат кўринишида намоён бўлди. Европада замонавий таърифга мос миллатлар 1789 йилги Буюк француз инқилобидан сўнг вужудга келди. “Америкалик” эса классик Европа миллатларидан фарқли равишда турли элатлар қоришуви натижасида ҳосил бўлган. Америкалик — “ёввойи” Ғарбни ўзлаштириш жараёнида тобланган ва шаклланган халқдир. Японияда XIX–XX аср бўсағасида ўзлик муросасиз миллатчилик тарзида майдонга чиқди. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг эса Кунчиқар ўлкада вестернизация (ғарблашув) кучайди. Бу жараён ҳозирга қадар давом этапти.

Ўзбекистон аҳолиси ўзликни шакллантириш учун бир неча моделни танлаш имконига эга. Бизга мос келувчи моделлардан бири — қадимги сўғдийлар десак бўлади. Ҳозирги давр геосиёсий жиҳатдан III–VI асрларни эслатади. Ўша кезлар сўғдийларни шарқдан — Хань (ҳозирги Хитой), жанубдан — сосонийлар (Эрон), ғарбдан — Византия империялари, шимолдан эса Турк хоқонлиги қуршаб олган эди. Шимолий Евроосиёда қабилаларнинг Ғарбга буюк кўчиши кечаётган эди. Ана шундай мураккаб вазиятда сўғдийлар турли давлат, элат ва қабилалар билан келишиб савдо-сотик қилган, Буюк Ипак йўлида азим шаҳарларни барпо этган эди. Сўғд савдогарлари орқали бутун Евроосиёга маданият ва динлар тарқалган, улар Шарқу Ғарб халқлари ўртасида қўприк вазифасини бажариб, қўплаб урушларнинг олдини олган эди. Сўғд тили халқаро тижоратда кенг истифода этиларди. Насроний, моний ёки буддавийликка эътиқод қилган сўғдликлар дин ва маданият бобида бағрикенг бўлган.

“Ўзбекистонлик” атамаси мазмун-моҳиятини сўғдийларнинг турмуш тарзи, қадриятлари ва дунёқараши билан бойитиш мумкин. Ўзбекистон бугун ҳам сўғдликлар каби сиёсий, иқтисодий ва маданий масалаларда медиатор (воситачи) бўлиши лозим. Ана шунда биз аждодларимизнинг тарихий мақом-мавқеини қайтариб олган бўламиз. Ўзлик таълимоти борасида ҳам аниқ хулосалар шаклланади.

Бахтиёр АЛИМЖОНОВ

Ҳаётнинг буюк саволи

Эркинлик, бу — ёлгон гапирмаслик ҳуқуқидир.

Ҳаётнинг буюк саволи — одамлар орасида қандай яшаи.

Гренйе коммунизм ҳақида: “Адолат идеалини деб бемаъниликларга рози бўлиш керакми?”. “Ҳа”, деб жавоб бериш мумкин, бу — гўзал. “Йўқ”, деб ҳам жавоб бериш мумкин, бу — виждонан бўлади. — Бутун масала ана шунда.”

Эркин матбуот яхши ҳам, ёмон ҳам бўлиши мумкин. Эркисиз матбуот фақат ёмон бўлади.

Камдан-кам одам санъатни англашга қодир.

Ёзиш — миннатсиз юмуш демакдир.

Ману қонуни:

“Аёлнинг дудоғи, ёш қизнинг кўкси, гўдакнинг дуоси, қурбонлик олови ҳаминиша покиза”.

Албер Камю «Кундаликлар»идан



БОТКЕНТ ҒОРИ қайси даврга тегишли?

Фарғона вилояти Сўх туманида жойлашган ушбу ғор Сўх дарёсининг чап соҳилида жойлашган. 1400 метр баландликда. Дарё ўзанидан 110 метр баланд. Ўрта девон лаврига мансуб оҳақтошларда ҳосил бўлган. Ғор оғзи равоқ шаклида, эни 10 метр, баландлиги 13 м. Бир хонадан иборат.

Узинлиги 56 м, эни 2—13 м, баландлиги

эса 6—18 м. Хона гумбаз шаклида. Саҳни қалинлиги 2 м гача бўлган гуано ва қисман гил билан қопланган. Ғорда кўршапалак галаси яшайди. Траси кириш жойида 25°, ичкарида 16°, намлиги 58% (июль). Умумий уз. 72 м, майд. 4040 м².

“Ўзбекистон Миллий энциклопедияси”
дан олинди.

ДУНЁДАГИ ЭНГ КАТТА МАКТАБ



Монтессори номи билан аталадиган ушбу мактаб мингта синфни ўз ичига олиб, уларда 47 минг ўқувчи таҳсил олади, 3800 ўқитувчи ва ходимлар уларнинг таълимини назорат қилади. Шунга кўра, у дунёдаги энг катта мактаблардан.

Монтессори мактабининг директори ва асосчиси Жагдиш Ганднинг айтишича, 1959 йилда ҳамма нарсa эндигина бошланаётган пайтда мактабда бор-йўғи беш нафар талаба ўқиган. Унинг фикрича, ҳар бир бола билим олиш ҳуқуқига эга.

Мактаб давлат томонидан молиялаштирилмайди, ота-оналар эса фарзандларининг таълим олиши учун оз миқдорда тўлов оладилар.

СМС болалар манфаати учун ишлайдиган ўқитувчилар, ёрдамчи ходимлар, фаррошлар, рикша ҳайдовчилари, электрчилар, дурадгорлар ва боғбонлардан иборат 3800 нафар тенгсиз ходимлар томонидан қўллаб-қувватланади.

Дунёдаги энг катта мактаб 4000 та компьютер билан жиҳозланган мингта синф хонасидан иборат. Мактаб Уттар-Прадеш штатининг Лакнау шаҳрида жойлашган бўлиб, у 1959 йилда доктор Жагдиш Ганди ва унинг рафиқаси Бхарти томонидан ташкил этилган.

БАҚЛАЖОННИНГ ВИТАМИНИ ПЎСТИДА

Бақлажоннинг шифобахш меваси таркибида қанд моддаси, витаминлар В1, В2, С ҳамда минерал тузлар кўп. Унинг доимо пўсти юпқа, ялтироқ қора ёки бинафша рангдагиси истеъмол учун танланади.

Унутмаслик керакки, унинг таркибидаги зарур моддаларнинг кўпчилиги пўстлоғидадир. Ишлатишда дум томони кесиб ташланади, пўсти билан бирга тўғралади. Кўпинча бақлажондан икра тайёрлайман деб унинг сервитамин пўстини арчиб ташлашади, бу тўғри эмас.



88 ёшли ТикТок юлдузи

Британиянинг Киддерминстер шаҳрида яшовчи 88 ёшли британиялик аёл Рут Радд ТикТок юлдузига айланди, деб ёзади Эскуире.


У ижтимоий тармоқда машҳур бўлган Лахед қўшиғига рақсга тушаётгани акс этган ролик 30 миллиондан кўпроқ томоша қилинган.

Рут Радд ўз роликларда ижтимоий тармоқлардаги рақс челленжларидаги ҳаракатларни такрорлайди. Кекса аёлга рақсга тушиш ва видеороликлар сурагга олишда унинг неваралари ёрдам беради. Рутнинг видеолари ижтимоий тармоқ фойдаланувчиларининг олқишларига сазовор бўлди.

“Мен шунчаки ҳайратдаман. Ҳеч нарсa қилмадим, бироз кулгили ҳаракатларим билан рақсга тушдим ва бирдан машҳур бўлиб кетдим”, — дейди Рут Радд.

Кекса аёл карантинда роликлар сурагга ола бошлагани ва бу жараён унга вақтини чоғ ўтказишга ёрдам берганини қайд этди.

“Рақсга тушиши менга бахтни ҳис этишга ёрдам берди. Саккиз ҳафта тўрт дeвор ичида ўтирганимда бу менинг ягона овунчоғим бўлди”, — дейди аёл.



Мона Лизанинг табассуми

XX асрнинг бошларигача буюк мусаввир Леонардо да Винчининг “Жаконда” ёки Мона Лиза деб аталувчи асари ҳозиргидай у қадар машҳур эмасди. Хўш, унинг бунчалик юксалишига нима сабаб бўлган?

Хуллас, 1911 йил 21 август куни Парижнинг Лувр музейидан бу бебаҳо (у пайтда ҳали унчалик бебаҳо эмас) асар ўғирлаб кетилади. Бундай сурбетона лекин жасур ўғрилиқни ойна устаси Винченцо Перуджа амалга оширади. Кейинчалик у тергов пайтида Мона Лизанинг кулгуси унга ёқиб қолганлигини, бу кулгу унга ёшлигидаги севган қизининг кулгусига ўхшаганини айтади. Мана шу кулгу туфайли ойнаванд уста сурагга ўғирлаб кетади ва салкам икки йил ёлғизликда сурагга томоша қилиб ётади. Сурагга ўғирланишида гумон остига олинган Пабло Пикассо ва унинг шоир дўсти Гийом Аполлинер хибсга олинади.

Чунки уларнинг уйларида илгари Луврда йўқолган баъзи бир экспонатлар, яъни III-IV асрга тегишли Ибериялик ҳайкалтарошлар ясаган буюмлар топилган эди. Фақатгина ҳақиқий ўғри Винченцо Перуджа қўлга тушиб Мона Лиза Луврга қайтарилгачина Пикассо ва Аполлинерлар қўйиб юборилади. Сурагга йўқолган ва сўнгра уни изланиш жараёни, асарнинг топилиши ўша даврдаги барча газеталарда катта шов-шувли мақолалар билан ёритиб босилади ва бу табиийки Мона Лизани бутун дунёга машҳур бўлиб кетади. Ўша сурагга топилган ва Луврга қайтарилган кунлари, яъни 2 кун ичида Луврга бебаҳо асарни кўриш учун 100 минг одам келган экан. Бу кўрсаткич ҳалигача қайтарилмаган.



Саҳифа материалларини Муроджон РАҲМАТОВ тайёрлади.